



MILLIY TIKLANISH

25 (1023) ● 2019 йил 26 июнь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz

Тахририят — www.milliytiklanish.uz

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИКДА КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 июнь кун мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, бу борада жорий йилнинг биринчи ярмида кутилаётган натижалар ва сифат ўзгаришларини таҳлил қилишга бағишланган йиғилиш ўтказди.

Фаол инвестиция сиёсати юритилиб, иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларга инвестициялар, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий сармоялар йўналтирилаётгани, тадбиркор ва инвесторларга ҳар тарафлама амалий кўмак бериш бўйича таъсирчан механизмлар жорий қилиниб, изчил амалга оширилаётгани натижасида юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланаётгани қайд этилди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 5,4 фоизга, sanoat маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоизга, ку-

рилиш-пудрат ишлари 9,6 фоизга ва хизматлар ҳажми 13,9 фоизга ўсиши кутилмоқда. Ушбу натижаларда, аввало, ўзлаштирилган инвестициялар қарийб 1,5 баробар ўсгани энг муҳим омил бўлгани алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, барча тармоқ ва ҳудудларда тўлиқ фойдаланилмаётган резервлар ҳали кўпчилиги қайд этилди. Уларнинг раҳбарларига замонавий корхоналар ва янги иш ўринлари ташкил этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш юзасидан топшириқлар берилди. Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириб, қўшимча тушумларни ижтимоий ва коммунал соҳаларни ривожлантириш, қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш, аҳолининг ҳаётини яхшилашга йўналтириш бўйича аниқ вазифалар кўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари доирасида ишлаб чиқилган дастурлар ҳамда аниқ инвестиция лойиҳалари ижросини жадаллаштириш бўйича қўшимча чоралар кўриш, шу-

нингдек, янги лойиҳаларни шакллантириш юзасидан топшириқлар берилди.

Шунингдек, йиғилишда шаҳар ва туманларнинг меъморий қиёфасини яхшилаш, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида уй-жойларни таъмирлаш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш, ичимлик суви, электр энергияси тармоқлари, маҳаллий ва ички йўллари қуриш-таъмирлаш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳолати кўриб чиқилди. Зарур молиявий ва бошқа ресурсларни ўз вақтида ажратиш ҳамда ўзлаштириш, белгиланган ишларни сифатли бажариш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботи тингланди. Ҳар бир тармоқ ва ҳудудни ривожлантириш бўйича кўзланган марралар ва аниқ вазифаларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш учун тегишли раҳбарларнинг шахсий масъулиятини ошириш чоралари белгиланди.

ЎЗА

ТОШКЕНТНИНГ ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ, МАДАНИЙ ВА БИЗНЕС МАРКАЗИ СИФАТИДАГИ НУФУЗИ ЮКСАЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 июнь кун Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб "Tashkent City" халқаро ишбилармонлик марказининг қурилиш майдонига ташриф буюрди.

Ушбу замонавий бизнес маркази саккизта лотга ажратилган ҳолда барпо этилмоқда. Шу пайтгача 7 миллион куб метр тупроқ ишлари бажарилиб, 50 дан зиёд бинога мустақам пойдевор ўрнатилди. Бугунги кунда бетон каркаслар ва деворлар қурилиб, муҳандислик тармоқлари тортилмоқда.

Конгресс-холл ва "Hilton" меҳмонхонаси қурилаётган 5-лот энг илғор майдонлардан бири. Ушбу биноларда темир-бетон, металл конструкция ва том ёпиш ишлари якунланиб, қурилиш ҳажмининг 80 фоиздан зиёди битган. Ҳозир электр тармоқларини монтаж қилиш, ички пардозлаш ва механика ишлари бажарилмоқда.

Давлатимиз раҳбарига аввалги ташриф чоғидаги кўрсатмаларнинг ижроси ҳақида маълумот берилди. Жумладан, Конгресс-холлда барча форматдаги халқаро тадбирлар ташкил этиш учун замонавий шароитлар яратилмоқда. Бу ерда йирик саммитлар, нуфузли анжуманларни юқори савияда ўтказиш имконияти пайдо бўла-

ди. Хорижий делегациялар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, хизмат кўрсатувчилар учун зарур қулайликлар яратилади.

Президент Конгресс-холлга туташ қурилган 21 қаватли беш юлдузли "Hilton" меҳмонхонасини кириб кўрди. Маҳаллий ва хорижий инвесторлар билан суҳбатлашди.

"Tashkent City" шаҳарсозлик ва туризм йўналишида энг яхши тажрибани ўзида мужассам этади. Хусусан, унинг марказида барпо этилаётган 60 метрли мусиқали фавворага эга боғ яна бир туризм объекти бўлади. Ландшафт дизайни асосида қуриладиган боғда сунъий қўл, гуллар парк бўлиб, мажмуа манзарасига бошқача кўрк бахш этади.

2-бет

Фракция фаолияти

ДЕМОКРАТИК КУЧЛАР БЛОКИ

бугунги кун талабига қай даражада жавоб беради?



Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Сенатининг йиғирманчи ялпи мажлисидаги маърузасида халқимиз ҳаётига дахлдор бўлган энг муҳим масалаларга эътибор қаратди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотларда миллий парламентимиз — Олий Мажлис ва унинг юқори палатаси бўлмиш Сенатнинг, сенаторларимизнинг фаолияти ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, парламент юқори палатаси мамлакатимиз ҳаётидаги барча жараёнда етакчи ўрин тутиши, таъсирчан парламент назоратини олиб бориши, жойларда аҳолини йиллар давомида қийнаб келган, безовта қилаётган муаммоларни ўрганиш, уларни ҳам қонуний, ҳам амалий нуқтаи назардан ҳал қилиши зарур. Кейинги йилларда сенаторлар фаолиятида жонлиниш кузатилди.

3-бет

Давра суҳбати

МАЪНАВИЯТИМИЗГА ЗИД ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР ҚАЧОН ТАРТИБГА СОЛИНАДИ?

хорижий сериаллар, таваккалчиликка асосланган кўрсатувлар кўпроқ "оммавий маданият"ни рағбатлантиришга ХИЗМАТ ҚИЛЯПТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ҳамда партия фракцияси томонидан "Миллий ахборот маконида миллий манфаатлар: бугунги ҳолат ва истиқбол" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП Марказий, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти кенгашлари, фракция аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари, давлат ва нодавлат телеканаллар вакиллари, матбуот нашрлари муҳаррирлари, журналистлар, блогер ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш, ривожлантириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган, демократик талаб ва стандартларга тўла жавоб берадиган 10га яқин қонун ҳужжати қабул қилингани, бу борада мустақам ҳуқуқий асос яратилгани таъкидланди.

3-бет

Муносабат

ХАЛҚИМИЗГА МУНОСИБ БЎЛАЙЛИК

"Биз Сенат деганда, биринчи навбатда, миллий парламентиимизнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маданий салоҳиятини амалда намойён этадиган, халқ манфаатларининг чинакам ифодачиси ва ҳақиқий ҳимоячиси бўлган катта бир кучни тасаввур қиламиз". Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 21 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғирманчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқида миллий парламентнинг юқори палатасига шундай юксак таъриф берди.

Чиндан ҳам, барқарор миллий тараққиётимизнинг янги босқичида, Ҳаракатлар стратегияси асосида ҳамиятимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоғида кенг кўламли ҳамда улкан миқёсдаги демократик, иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни жадаллик билан амалга оширишда миллий парламентиимиз, хусусан, унинг юқори палатасининг фаолияти катта аҳамиятга эга.

Ўтган даврда юртимизда амалга оширилаётган тизимли демократик жараёнларда Сенат томонидан қонун ижодкорлиги билан бирга таъсирчан

парламент назоратини олиб бориш, жойларда аҳолини қийнаётган муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилиш бўйича бир қатор эътиборга молик ишлар амалга оширилгани ҳам буни тасдиқлайди.

Бугунги кунда Сенат жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга доир вазифаси доирасида ички ишлар органлари тизимида ислохотларни амалга оширишда бош-қош бўлмоқда. Зеро, бу борада ижобий натижага эришиш орқали бутун жамиятимиздаги вазият ва ижтимоий муҳит тубдан ўзгаришига шароит яратилади.

Айниқса, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини йўлга қўйиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролар онгида "Қонун — устувор, жиноятга жазо муқаррар", деган юридик тамойилни қарор топтириш борасида эришилаётган ютуқларда Сенат аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, жамиятимизнинг барча жабҳасини янада эркинлаштириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини яхшилаш, Ўзбекис-

тоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш билан боғлиқ ғоят долзарб, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни амалга оширишда Сенатнинг роли ва таъсирини оширишни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Бу ҳақда фикр юритар экан, Президентимиз Сенат фаолиятидаги бир қатор камчилик ва нуқсонларга тўхталди.

Биринчидан, Сенатнинг қонунчилик фаолиятида ишнинг тўғри ташкил қилишда талабчанлик ва жонқурлик, ташаббускорлик ва изчиллик етишмаяпти. Сенат 2015-2018 йилларда маъқуллаган 140 та қонун лойиҳасидан аксариятининг маъно-мазмуни юқори палатада кўриб чиқилганидан сўнг сезиларли даражада ўзгармагани ҳам бунга яққол мисол бўлиши мумкин.

Бу, ўз-ўзидан, қонун муҳокамасининг бошланғич босқичларида Сенат аъзоларининг мазкур муҳоқамада миллий ва ҳудудлар манфаатлар нуқтаи назаридан фоол қатнашишлари талаб этилса-да, қонунларни такомиллаштириш асосан қонунчилик техникаси доирасида, шунчаки грамматик хатоларни тузатиш билан чекланиб қолаётганидан далолат беради.

2-бет

Бугуннинг гапи

БОЛАЛАРГА АТАЛГАН КИТОБЛАР:

улур хатодан холи(ми?)

Фарзандларимиз орзиқиб кутган ёзги таътилнинг биринчи оий ҳам якунланяпти. Шу йилнинг 25 май санасида республикамиздаги барча умумтаълим мактабида сўнги кўнғироқ чалиниб, ўқувчилар жонажон мактаби билан хайрлашишди. Бу йил меннинг қизим ҳам 1-синфни аъло баҳолар билан тугатди. Мактабида сўнги кўнғироқ чалиниб, 11-синф битирувчилари 1-синфни тугатган ўқувчиларга эсдалик совғаси сифатида эртак китоблар беришибди. Фахрий ёрлиғу эртак китоблар билан қувончи бир олам бўлиб уйга қайтган фарзандим биринчи бўлиб янги эртак китобни титкилашга тушди. Шунда бир кўз ташлай-чи, дея китобни қўлимга олдим. Бировга 3-4 бетиға кўз югуртирдиму фиғошим фалакка чиқди. Аслида бу биринчиси эмас, анчадан буён кузатиб, гувоҳи бўлиб юрганларим — ҳаммаси бир бўлди-ю, қоғоз қоралашга жазм қилдим.

Гап шундаки, сўнги пайтларда болаларга аталган айрим эртак ва шеърий тўпламларда ғализ жумла ва хатоларга тез-тез дуч келяпмиз. Адабий тил қоида ва меъёрларига амал қилмаслик ҳолатларига йўл қўйиляпти.

6-бет

ТОШКЕНТНИНГ ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ, МАДАНИЙ ВА БИЗНЕС МАРКАЗИ СИФАТИДАГИ НУФУЗИ ЮКСАЛМОҚДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Давлатимиз раҳбари Конгресс-холл ва меҳмонхонада юқори даражада хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш юзасидан қўшимча кўрсатмалар берди.

Президентимиз Ўзбекистон ислом цивилизацияси маркази қурилиши билан танишди.

Шавкат Мирзиёев ўтган йил июнь ойида бу ерга раҳмий тамал тоши қўйган, декабрь ойида яна бир бор ташриф буюриб, юртимиз тарихини даврлар бўйича, ҳар бир аср ва алломага оид маънавий, ашёлар асосида намойиш этиш, қурилишни такомиллаштиришга доир тавсиялар берган эди.

Ўтган вақт мобайнида бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Иморатнинг асосий қисми қурилди, айни пайтда томининг металл конструкцияларини монтаж қилиш ва бетон тўшама ишлари бажарилмоқда.

Уч қаватли марказ лойиҳаси шарқона услубда ишланган бўлиб, ундан анжуманлар ва кўргазма заллари, қадимий қўлёзма ва осори-атиқаларни таъмирлаш

бўлимлари, тарихий манба ва ашёларни сақлаш хоналари, кутубхона ўрин олади. Бинонинг симметрик марказида Усмон Қуръони зали жойлашади. Ахборот-ресурс маркази, илмий кафедралар ва бошқа хоналар энг юқори қаватда бўлади.

Бугунги кунда фасад ва залларни бадиий безашга, керамика ишларига ҳозирлик кўрилмоқда. Франциялик мухтаassisлар билан ҳудуднинг ландшафт дизайнини барпо этиш бўйича лойиҳа тайёрланмоқда.

Президентимиз қурилишни кўздан кечириб, бинонинг ички ва ташқи қурилиши, гўмбаз ранглари учун танланган намуналар билан танишди. Ушбу марказ ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз меросини ўрганганидан, динимизнинг асл моҳиятини халқимизга етказадиган илмий-маърифий маскан бўлиши кераклиги таъкидланди.

Юртимиздаги иккита олий ва еттига ўрта махсус диний билим юрти бу ерда "қайнаши" керак, уларга ҳам жой бериш зарур. Чунки илм шу ерда бойитилади, талабалар олган билиминини марказдаги

буюк аждодларимиз меросига оид қимматли далиллар билан мустаҳкамлайди, деди давлатимиз раҳбари.

Алломаларимизнинг буюк меросини ёш авлод қалбига синдириш учун залларга уларнинг ҳайкаллари, илмий кашфиётлари, қўлёзмалари, ўша даврга оид тарихий ашёларни ўрнатиш бўйича тавсиялар берилди. Бу жамиятда "Жаҳолатга қарши – маърифат" тамойилини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу марказ орқали халқимизнинг илм-маърифат, маданият ривожига қўшган ҳиссасини муҳрлаб қўймоқчимиз, шундай улғ меросни халқимизга, ёшларимизга етказмоқчимиз. Ислום цивилизацияси маркази мана шундай илмий муассасалар учун фундаментал база бўлиши лозим. Ўзбекистон халқаро ислом академиясидаги ўқув ишлари бу марказ билан ҳамоҳанг бўлиши, талабалар юқори курслари шу ерда ўқиб, ўқитувчилар малака ошириши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи олдида адб

музейи ва унинг номида мактаб барпо этиш лойиҳаси муҳокама қилинди. Давлатимиз раҳбари ушбу мактабда ардоқли ёзувчимиз даҳосига хос муҳит бўлиши, унда таълим олган болалар миллий адабиётимизга ўзгача меҳр билан камол топиши зарурлигини таъкидлади. Мутаассадларга лойиҳани такомиллаштириш бўйича топшириқлар берди.

Президентимиз жорий йил 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда келаси йил Ғалабанинг 75 йиллиги байрами олдидан Тошкент шаҳрининг энг кўркам масканларидан бирида ушбу шонли санага бағишлаб Ғалаба боғи барпо этилишини таъкидлаган эди.

Айни пайтда пойтахтимизнинг Олмасор туманидаги 11,6 гектар майдонда ушбу боғни бунёд этиш режалаштирилмоқда. Давлатимиз раҳбари унинг лойиҳаси ва қурилиш концепцияси билан танишди.

Ғалаба боғини барпо этишдан мақсад ёшларда тарихимиздан гуруллайиш туйғусини кучайтириш, Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган қаҳрамонларимиз

номини абадийлаштиришдан иборат.

Бу боғ халқимизнинг буюк ғалабага қўшган ҳиссасини намоён этиши, ота-боболаримизнинг қаҳрамонлигини боқийлаштириши керак. Бу ерда Иккинчи жаҳон уруши муҳити, ватандошларимиз қатнашган жанглар ҳақида маълумотлар акс этиши зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Боғнинг кириш қисмида Ғалаба аркаси ўрнатилиши кўзда тутилган. Генерал Собир Раҳимов ҳайкали олдида енгил конструкцияли амфитеатр ва катта сахна қурилади.

Боғда уруш даври манзаралари, жумладан, окоп ва блиндажлар, чодирлар, дала ошоналари ва бошқа лавҳалар акс этган композицион мажмуалар қурилади. Ўша даврдаги ҳарбий техника ва қурол-яроғ кўргазмаси очик осмон остида музей вазифини ўтайди. Музей, кутубхона, кинотеатр барпо этилиб, Wi-Fi зона, ҳарбий тайёргарлик ва спорт худуди ҳамда сайилгоҳ ташкил этилади.

Ўзбек аёлининг матонати тимсоли сифатида Зулфия ая Зокирова, унинг урушдан қайтмаган беш фарзанди ва бева қолган тўрт келини хотирасига

бағишланган "Матонат мадҳияси" ёдгорлик мажмуаси ўрнатилади.

Боғнинг маъно-мазмун, экспозициясини чуқур ўйлаш керак. У фақат байрам кунлари эмас, йил давомида ишлайдиган бўлиши керак. Бу ерга келган ёшлар илҳомлансин ва руҳлансин, гурури-ифтихор туйсин, бугунги тинч кунларнинг қадрига етиб, ватанпарварлик ҳиссини мустаҳкамласин, деди Президент.

Мудоффа ва Маданият вазирликлари, Фанлар академияси, Бадиий академия, Тошкент шаҳар ҳокимлигига тарихчилар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан маслаҳатлашиб, Ғалаба боғининг концепциясини такомиллаштириш юзасидан кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган ушбу улкан лойиҳалар пойтахтимизнинг илмий-маърифий, маданий ва бизнес маркази сифатидаги нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА МУХБИРЛАРИ

Муносабат

ХАЛҚИМИЗГА МУНОСИБ БЎЛАЙЛИК

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Иккинчидан, Сенатнинг парламент назоратига оид амалдаги ваколатларидан тўлиқ фойдаланилмапти. Кейинги тўрт йилда Сенат ижро ҳокимияти органларига атиги 10 та парламент сўрови юборган.

Қолаверса, марказий ва маҳаллий давлат органлари раҳбарларининг ахборотини эшитиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини жойларда чиқириш юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил тадбирларининг ақсарияти фақат номигагина ташкил этилган. Буни мазкур тадбирларнинг натижадорлиги пастиги ҳам очик кўрсатиб турибди.

Учинчидан, Сенат Олий Мажлисининг ҳудудий вакиллик органи эканига қарамай, унинг фаолиятида ҳудудларнинг маҳалла вакиллари инобатга олини, умуман, ҳудудларга оид масалаларни кўриб чиқиш амалиёти эътибордан четда қолмоқда. Мисол учун, юқори палата муайян ҳудудни субвенция ёки дотациядан чиқариш бўйича ҳокимнинг ахборотини бирор марта ҳам тингламаган.

Тўртинчидан, кейинги йилларда Сенат томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини кучайтириш бўйича ишлар тизимли асосда олиб борилмапти. Ваҳоланки, ушбу вазифа бевосита Сенат зиммасига юкланган. Юқори палатада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларнинг иш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича махсус комиссия ҳам тузилган.

Бешинчидан, Сенатнинг давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини кўтариш, фаол ташқи сиёсат олиб бориш соҳасидаги мавжуд имкониятлари ҳалғича тўла ишга солинмаган.

Президентимиз таъкидлаганидек, "Парламентлараро Иттифоқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент ассамблеяси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги парламентлараро ассамблеяси ва Ўзбекистон номидан Олий Мажлис аъзо бўлган бошқа халқаро парламент ташкилотлари билан ишлаш стратегиясини белгилайдиган, аниқ ва узоқ муددатли кўзлайдиган иш режаларини Сенат белгилаб олиши лозим".

Шунингдек, парламентлараро ҳамкорликка оид ташрифларга юқори натижадорлик нуктаи назаридан ёндашилмапти. Хорижий инвестициялар ва ташқи савдо масалаларига оид тасдиқланган кўлаб "йўл харита"лари устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ҳам Сенатнинг ташаббускорлиги ва фаоллиги сезилмапти.

Ўзбекистон Конституциясининг талаби асосида халқаро шартномалар ижросини парламент назорати тартибиде мунтазам ўрганиш йўлга қўйилмаган.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга қаратилган устувор вазифалар ва янги ташаббуслар ҳақида фикр юритар экан, авваломбор, халқимиз ҳаётида "Шахс — Оила — Жамият — Давлат" деган тушунча ва қадриятлар нечоғли муҳим ўрин тутушига алоҳида эътибор қаратди. "Аёлга бўлган ҳурмат-эътибор — бу аввало оиллага, жамият келажига бўлган ҳурмат-эътибор ифодасидир", деб таъкидлади Президентимиз.

Ҳақиқатан ҳам, аёл — эъзоз ва эътиборга лойиқ зотдир. Ҳадиси шарифларда аёллар хусусида кўлаб ривоятлар мавжудки, уларнинг барчасида аёлларга яхши муносабатда бўлган киши энг яхши фазилатларга эга инсон сифатида таърифланади.

Хусусан, Имом Термизий "Сизларнинг яхшиларингиз аҳли аёлига яхши муносабатда бўлганингиз. Мен сизларнинг оран-гиздаги аҳли аёлига яхши муносабатда бўлгучингизман", деб ёзиб қолдирган.

Шонли тарихимизда Тўмарис ва Бибихоним, Гулбаданбегим ва Зебуннисо, Нодирабегим ва Анбар отин каби оқила момоларимиз яшаб ўтганлар. Шарқ халқларида азалдан хотин-қизлар ҳурмат ва эҳтиромга муносиб кўрилган. Юртимизда ушбу аънава давом этмоқда.

Ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланмоқда.

БМТ Бош котиби Антонио Гутерреш жорий йил 11-17 март кунлари бўлиб ўтган БМТ Хотин-қизлар аҳоли бўйича комиссиясининг 63-сессиясида қайд этганидек, "Қаердаки сиёсат ва ижтимоий ҳаётда хотин-қизлар фаол иштирок этаётган бўлса, ўша жойда иқтисодий ўсумоқда, барқарорлик мустаҳкамланмоқда ва фуқароларнинг фаровонлиги юксалмоқда".

Шу нуктаи назардан, ўтган қисқа даврда бу борада Ўзбекистон Президентининг 2 та фармони, 2 та қарори, Ҳукуматнинг 6 та қарори ва 4 та фармойиши қабул қилинган жуда муҳимдир. Чунки мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар асосида хотин-қизларнинг

ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишига эришиш, гендер тенглик ва репродуктив саломатлигини таъминлаш бўйича самарадорликка эришилмоқда.

Янада эътиборли жиҳати, бир томондан, бу самаралар халқимиз, хусусан, муҳтарам оналаримиз ва опа-сингилларимиз ҳаёт тарзини ўзгартирмоқда. Иккинчи томондан, бугунги кунда Ўзбекистонда ушбу соҳада олиб борилаётган давлат сиёсатида жаҳон ҳамжамияти томонидан юқори баҳо берилмоқда.

БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) Ижрочи директори Н.Кан кейинги йилларда Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, хотин-қизларни рағбатлантириш, гендер тенглик ва репродуктив саломатлигини таъминлаш борасида муҳим ўзгаришлар амалга оширилаётганини эътироф этди.

Европа ва Марказий Осиё учун "БМТ-Аёллар" тузилмаси минтақавий раҳбари А.Эл-Ясир Ўзбекистон ҳукумати аёлларнинг аҳолини яхшилаш, шунингдек, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишига эришиш йўлида амалий чоралар кўраётганини юксак баҳолади.

Ўзбекистоннинг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги сиёсатининг халқаро даражада эътироф этилаётгани бежиз эмас. Эеро, Ҳаракатлар стратегиясида хотин-қизларнинг мамлакат ҳаётидаги муносиб ўрнини белгилаб беришга ва жамиятдаги мавқеини янада юксалтиришга қаратилган устувор вазифалар кўзда тутилган.

Айни чоғда, бу борадаги эзгу фаолиятнинг самарадорлигини янада ошириш учун ҳали кўп иш қилиш талаб этилади. Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, "Биз узоқ вақт бу масалага етарлича эътибор бермасдан, ҳурматли опа-сингилларимизнинг дарду ташвишларига бепарво қараб келганимиз тўғрисида йилда давомида тўлғаниб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бугун, очинини айтиш керак, осон бўлмапти".

Ана шу қийинчиликлар нималарда кўринади? Айрим факт ва рақамларга эътибор қаратайлик.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда оғир турмуш шароитида яшаётган уй-жойга қўйиш қўлдан қўйиб қолган ҳолатда жами 5 минг 290 нафардан иборат. Қисқа даврда шулардан 1 минг 564 нафари уй-жой билан таъминланган.

Мамлакатимизда ишсиз аёллар сони 160 минг 84 нафарни ташкил этади. Жорий йилда оғир турмуш шароитида яшаётган хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида ҳудудий дастурлар ҳисмида 13 минг 44 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаш белгиланган. Йил бошидан буён эса 2 минг 504 нафар хотин-қиз ишли бўлди.

Республикамиз бўйича 8 миллион 400 минг нафарга яқин оила мавжуд. Таҳлилларга кўра, кам таъминланган оилалар 228 мингдан ортиқ ва эҳтиёманд оилалар салкам 110 мингта. Шундан оғир турмуш шароитида яшаётган, ноғиронлиги бўлган 3 минг 878 нафар хотин-қиз оиласига ижтимоий ёрдам кўрсатилган.

Президентимиз томонидан аёллар ва оиллага эътибор билан боғлиқ ушбу гоёт муҳим масала айнан парламентнинг юқори палатаси яғли мажлиси муҳокамасига ҳавола этилгани бежиз эмас. Бинобарин, Сенат мамлакатимиз барча ҳудудининг вакиллик органидир.

Бугун замоннинг ўзи барчамиздан, биринчи навбатда, Сенат раҳбарияти ва сенаторлардан юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги ихлоқотларнинг нафақат иштирокчиси, балки ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлишни, бошқаларга намуна кўрсатишни талаб этмоқда.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари Сенат минбаридан туриб, сиёсий-ижтимоий ҳаётимизда хотин-қизларнинг ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлашга қаратилган 4 та амалий таклифни илгари сурди.

Биринчи таклиф — юртимиз хотин-қизларининг сиёсий жараёнлардаги иштирокчини кенгайтириш мақсадида Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга оқила ва етуқ аёллар имкон қадар кўпроқ депутат ва сенатор бўлиб сайланишларига эътибор қаратиш.

Президентимиз таъбири билан айтганда, "Парламентга ва маҳаллий Кенгашларга сайланган аёллар сонининг ўсиши қонун ижодкорлиги жараёнида хотин-қизларнинг манфаатлари ва фикрларини ҳисобга олиш имкониятини беради. Шунингдек, давлат бюджетини шаклланишида гендер тенглиги масалаларини инобатга олиш мумкин бўлади".

Бундан ўн йил олдин Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари таркибиде хотин-қизлар миқдори 20 фоиздан ортиқ бўлган. Эндиликда бу кўрсаткич юқори палатада — 17 фоизга, қуйи палатада эса — 16 фоизга тушиб қолган.

БМТ маълумотларига қараганда, парламентларда аёлларнинг вакилиги бутун дунёда ўсиб бормоқда. Бу кўрсаткич 2018 йилда 24,3 фоизни ташкил этган. Дунёдаги мавжуд парламентларнинг

279 палатасидан 55 тасида, яъни 19,7 фоизда аёллар раҳбарлик қилмоқда. Масалан, Нонси Пилосси — АҚШ Вакилар палатаси спикери ҳисоблана, Валентина Матвиенко — Россия Федерация Кенгаши раисидир.

Яна бир жиҳатга тўхталмаслик мумкин эмас. Гап шундаки, статистика маълумотлари ўз парламентлари ва ҳукуматларида аёллар 25-30 фоиздан кам бўлган давлатлар оналик ва болалик муҳофазаси қилиш, бола ҳуқуқлари, ижтимоий муҳофазаси муаммоларини ҳал этишда қийинчиликларга дуч келаётганлигини кўрсатмоқда.

Шундай экан, жаҳон демократик амалиётига уйғун равишда мамлакатимиз сайлов қонунчилигида белгиланган вакиллик органларида хотин-қизлар учун 30 фоизлик квотадан тўғри фойдаланиш, фикримизча, миллий манфаатларимизга ҳам, халқаро андозалар талабларига ҳам тўла жавоб беради.

Яғли мажлисда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 86-моддасига мувофиқ Президент Шавкат Мирзиёевнинг тақдимномасига асосан Сенат Раиси лавозимига Хотин-қизлар қўмитаси раиси сифатида ишлаб келган Танзила Норбоевнинг номзоди илгари сурилади ва у кўпчилик овоз билан қўллаб-қувватланади. Шу тарихқа мамлакатимиз тарихида илк бор ушбу юксак лавозимга аёл киши сайланди.

Иккинчи таклиф — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига янги, Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича қўмита тузиш.

Шу пайтга қадар Қонунчилик палатасида ҳам, Сенатда ҳам оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофазаси қилиш, аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга, уларнинг жамиятдаги мавқеини оширишга қаратилган муайян бир тузилма мавжуд эмасди. Бу бўшлиқнинг янги қўмита ҳисобига тўлдирилиши миллий парламентнинг айни соҳадаги ишларида муайян натижадорликка эришишга хизмат қилиши тайин.

Учинчи таклиф — яқин вақт ичида "Эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ва имкониятлари кафолатлари тўғрисида" ҳамда "Аёлларни таъйиқ ва зўравонликлардан қимзолаш тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш.

Президентимизнинг ушбу таклифи ҳам ниҳоятда долзарб. Нега деганида, халқаро андозалар талаблари доирасида 2018 йили юртимизда аёллар аҳолини тубдан яхшилашга доир 15 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат имзолангани ҳолда, қонун ижодкорлари томонидан бу борада биронта қонун қабул қилинмаган.

Тўртинчи таклиф — мамлакатимизда аёллар муаммолари билан шуғулланганидан фуқаролик жамияти институтлари микёсини ва улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда фаолият олиб борадиган 9 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотларидан фақатгина 376 таси аёллар муаммолари билан машғул. Аммо, Президентимиз қайд этганидек, "Ижтимоий шароити оғир аёлларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларини таҳлил қилиш, уларнинг иштироки етарли даражада сезилмапти".

Давлатимиз раҳбари ушбу ташаббусларни ўз вақтида ва тўлиқ ўратиб қараш учун Сенат ўз фаолиятининг асосий йўналишларида қайси масалаларга эътибор қаратиши мақсадга

мувофиқлиги хусусида ҳам сўз юритди.

"Авалло, оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофазаси қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий ҳаётда аёлларнинг иштирокчини кенгайтириш бўйича қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини кучайтириш лозим", деди Президентимиз.

Шунингдек, аёлларни иш билан таъминлаш, хотин-қизларнинг замонавий касб-хунарларни пухта эгаллаш учун муносиб шароитлар яратиш, уларнинг ишбилармонлик қўнимларини ривожлантириш, хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш керак.

Бундан ташқари, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, оилаларнинг тиббий маданиятини оширишга қўмаклашиш, жойларда, хусусан, маҳаллаларда хотин-қизлар ўртасида олиб борилаётган маърифий-тарбиявий ишлар самарадорлигини кучайтириш зарур. Айниқса, қиз болаларни ҳаётга тайёрлаш, уларни замонавий касб-хунарларга ўргатиш, санъат, спорт, илм-фан соҳаларига кенг жалб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, меҳр-оқибатли, оққўнли аёлларимизга мутлақо ярашмайдиган салбий иллатлар, яъни хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, жумладан, жиноятчилик, одам савдоси, оилавий ажирлар, эрта никоҳларнинг, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг олдини олиш доимий эътибор марказида бўлиши даркор.

Давлатимиз раҳбари алоҳида қайд этганидек, "Кейинги пайтда тўғри йўлдан адашганларни кечиртиш, оила, маҳалла ва жамиятда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш борасида бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз лозим".


Хулоса қилиб айтганда, сўнги йилларда давлатимиз раҳбари парламент аъзолари билан мунтазам мулоқотда бўлмоқда. Хусусан, сенаторлар билан бу галги учрашув олтинчиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Президенти, Асосий Қонунимизнинг 93-моддаси 7-бандига мувофиқ, Олий Мажлисга мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Шу жиҳатдан, Президентимиз Конституция ва инсон ҳуқуқларининг кафили сифатида ўз конституциявий ваколатларини бажариш борасида барчамизга, жумладан, парламент аъзоларига яна бир бор ўрнатди.

Сенатнинг йигирманчи яғли мажлисидаги нутқ Президентимиз 2018 йил декабрь ойида Олий Мажлисга тақдим этган иккинчи Мурожаатноманинг мантиқий давомидир. Ушбу нутқда жамиятни ривожлантириш йўлида Сенат олдида турган энг муҳим истиқболли вазифалар аниқ кўрсатиб берилгани улкан аҳамият касб этади.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

27 Iyun - Matbuot va ommaviy axborot vositalari xodimlari kuni.



O'ZBEKISTON (MILLIY TIKLANISH) DEMOKRATIK PARTIYASI

Barcha matbuot va ommaviy axborot vositalari xodimlarini kasb bayrami bilan qutlaydi!

www.mt.uz | uzmtdp@mail.ru | www.fb.com/uzmtdp.matbuoti | @uzmtdp_kk

Фракция фаолияти

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Уларнинг ҳудудларда бўлиб, уйма-уй юриб, аҳоли билан очик, юзма-юз мулоқот қилиш кўлами кенгайди. Сенаторлар, депутатларни одамлар таний бошлади. Аммо жойларда халқ манфаати йўлида қабул қи-

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг барча соҳадаги иштирокини кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Қонунчилик палатасининг Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссиясининг масъулиятини янада

ДЕМОКРАТИК КУЧЛАР БЛОКИ

бугунги кун талабига қай даражада жавоб беради?



линган қарорлар, давлат дастурлари ижроси бирдек бажарилмаётгани, одамларни қийнаётган айрим муаммолар эътибордан четда қолаётганини инобатга олсак, сенаторлар, депутатлар фаолияти бугунги кун талаби даражасида эмас.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тadbirkorлар ва ишбилмоллар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоларидан иборат Демократик кучлар блокнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йиғирманчи ялпи мажлисидаги нутқининг мазмун ва моҳияти ҳамда ундан келиб чиқадиган долзарб вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда таъкидланганидек, дунё шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги замонда олдимизга қўйилган улкан марраларга эришиш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятлари сафарбар этилмоқда. Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотлар, айниқса, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, миллий иқтисодиётимизни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик, диний бағригенлик муҳитини мустаҳкамлаш, самарали ташқи сиёсат каби устувор йўналишлар, шубҳасиз, аҳолининг ҳуқуқлари, эркинлик ва қонуний манфаатларини таъминлаш, юрт тинчлиги ва аҳоли фаровонлигига қаратилган.

Депутатларнинг фикрича, Президентимизнинг Олий Мажлис Сенатидagi тарихий нутқи нафақат юқори палата, балки Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг фаолиятига ҳам тегишли бўлиб, бундан парламент аъзолари тўғри хулоса чиқариши лозим. Хусусан, сўнги олти ой мобайнида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг қонун ташаббускорлиги ҳуқуқи асосида атиги 9 қонун киритилган. Шундан учтаси сиёсий партиялар фракциялари томонидан таъйинланган. Қонунчилик палатасига киритилган қонун лойиҳаларининг 80-90 фоизи депутатлар томонидан қайта ишланаяпти. Бунинг асосий сабаби, Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳаларида тўғридан-тўғри амал қилиш механизми мавжуд эмас. Улар қонунчилик, юридик техника ва бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотлар талабларига жавоб бераётгани сабабли депутатлар киритилган қонун лойиҳалари нормаларини ўрганиб чиқиш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш ва сезиларли даражада ўзгартиришга мажбур бўлмоқда.

Юқоридаги муаммоларнинг туб замирида вазирлик, қўмиталар ва давлат идоралари юридик бошқармалари кадрларида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, унинг ҳар бир нормаларини таҳлил қилиб, баён қилиш салоҳияти етишмаслиги ётади. Бу масалаларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамаси, Адлия вазирлиги жиддий эътибор қаратаётгани сабабли, энди депутатлар ҳам қаттиқ туриб, талабга жавоб берайдиган қонун лойиҳаларини қайтаришга мажбур.

Йиғилишда депутатларнинг қонун ижодкорлиги борасида янада фаолроқ бўлиши билан бир қаторда оилани мустаҳкамлаш,

ошириш ва шу орқали хотин-қизларни демократик жараёнларнинг шунчаки кузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлишини таъминлашга эришиш Демократик кучлар блокнинг асосий вазифаларидан бири бўлиши кераклиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари нутқида Олий Мажлис Сенати томонидан ўтказилган назорат-таҳлил тадбирларининг натижадорлиги пастиги ва уларнинг ақсарияти фақат номигагина ташкил этилаётгани тўғрисидаги танқиди нафақат Сенат аъзоларига, балки Қонунчилик палатаси депутатларига ҳам тааллуқлидир.

Хусусан, сўнги олти ойда сиёсий партиялар фракциялари томонидан муайян масалалар бўйича бор йўғи 26 ташаббус билдирилган. Қонунчилик палатаси томонидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига атиги 4 парламент сўрови юборилган, 8 масала юзасидан парламент эшитуви ўтказилган. Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан жами 8 эшитув ўтказилган бўлиб, улардан бор йўғи 6 таси муайян қонунлар ижросининг ҳолати юзасидан ташкиллаштирилган. Ушбу рақамлар Қонунчилик палатаси депутатлари назорат-таҳлил фаолиятда сусткашликка йўл қўяётганидан далолат бермоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида ўз ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш ҳамда маъмур соҳани тартибга солишда Демократик кучлар блоки аъзолари энг аввало, Парламент назорати институтидан самарали фойдаланиши лозим. Шунингдек, соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришда миллий тажриба, шу билан бирга, ривожланган хорижий давлатларнинг илғор амалиётини чуқур ўрганиш асосида адолатли, халқчил ва ҳаётий қонун ҳужжатларини яратишнинг замонавий усулларини амалиётга жорий этиш ҳақидаги тақлифлар билан фаол иштирок этиши зарур.

Президентимиз ўз маърузасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг фаолиятини кучайтириш бўйича ишлар тизимли асосда олиб борилмаётгани ва улар билан самарали ҳамкорлик ташкил этилмаганини қайд этилди.

Қонунчилик палатаси депутатлари билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ўртасида бир пайтлар узвий алоқа ўрнатилган бўлса-да, бугунги кунда ҳамкорлик тўхтаб қолган. Шунинг учун ҳам депутатлар ўз сайлов округларига сайловчилар билан учрашувларга борганида у ердаги халқ депутатлари Кенгашларига бориши, реал ҳолатни ўрганиш, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан ўз билим ва кўникмалари билан ўртоқлашишлари зарур. Шундангина юқори турувчи вакиллик органларининг жойлардаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан самарали ҳамкорлигини ташкил этишдаги роли ва масъулияти янада ортади.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Сенатининг йиғирманчи ялпи мажлисидаги нутқида белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда унинг ижросини назорат қилишда Демократик кучлар блоки фаол иштирок этмоғи лозим.

Йиғилиш якунида кун тартибдаги масала юзасидан Демократик кучлар блокнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Р.МАҲМУДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Давра сўхбати

МАЪНАВИЯТИМИЗГА ЗИД ТЕЛЕКЎРСАТУВЛАР ҚАЧОН ТАРТИБГА СОЛИНАДИ?

хорижий сериаллар, таваккалчиликка асосланган кўрсатувлар кўпроқ "оммавий маданият"ни рағбатлантиришга хизмат қиляпти

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлган оммавий ахборот воситалари ҳақида сўз борганда Юртбошимизнинг "... оммавий ахборот воситалари вакиллари нафақат профессионал билим ва малака, ҳаётий тажриба, ўз сўзи учун масъулият ҳисси, айни вақтда юксак гражданлик позицияси, маънавий жасорат ҳам талаб этилади" деган фикрлари доимо диққат марказимизда бўлиши кераклиги қайд этилди.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сайловолди платформасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда миллий ахборот маконини янада ривожлантириш, халқимизнинг мафкуравий иммунитетини шакллантиришда фаол иштирок этиб келмоқда, — деди партия етакчиси, фракция раҳбари Алишер Қодиров. — Бугун ёшларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, уларни жисмоний, маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу борада партия фракцияси томонидан ўтган давр мобайнида қабул қилинган "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни юқоридаги вазифалар ижросига хизмат қиляпти. Ўзбекистонда тўғри сўз ва аччиқ ҳақиқатни айта оладиган блогерлар жамияти пайдо бўлди. Журналистлар орасида ҳам бугун энг долзарб бўлган масалаларда эркин фикрлаб, таҳлилий-танқидий мақола ёзаётганлар тобора кўпаймоқда. Партиямиз сўз эркинлиги ва медиа макондаги бундай ижобий ўзгаришларни доимо қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга, ёш авлод тарбиясига билвосита таъсир этувчи омиллар, хусусан, ижтимоий хавф даражаси юқори бўлган таҳдидлар вужудга келдики, фарзандларимизни бундай хатарлардан ҳимоя қилишимиз зарур.

тарлардан ҳимоя қилишимиз зарур.

Иштирокчилар томонидан айни кунда кўп сонли томошабинлар, жумладан, партия электорати бўлган зиёлилар эътирозига сабаб бўлган медиа маҳсулотларнинг ахборот маконидан ўрин олаётгани, бу эса халқимизнинг асрлар давомида шаклланган миллий маданияти ва маънавиятига, ўзлигига ҳамда мамлакатимиз имижига путур етказётгани афсус билан таъкидланди.

Давлат ва нодавлат телеканаллар орқали намойиш этилаётган хорижий сериаллар, савиясиз кўрсатувлар, таваккалчиликка асосланган турли телешоуларнинг урфга айланиб, бу жараён, айниқса, вояга етмаган ёшлар онги, тафаккурига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, "Борига барака", "Омад шоу", "Миллионер шоу", "Олтин калит" каби кўрсатувлар негизда меҳнат қилмасдан осон пул топиш, ўзгаларнинг ҳисобидан бир зумда бойиб кетиш каби чалғитувчи ғоялар мужассам. Партия қайсидир тоифага даромад келтирадиган, вақтинчалик кайфиятни кўтаришдан нарига ўта олмайдиган бундай телелойиҳаларни оммавлантиришни "оммавий маданият"ни рағбатлантириш билан баробар деб билади.

Давра сўхбатида ёшларнинг камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилиш баробарида "Ёш китобхон" танлови, "Заковат" интеллектуал ўйини, оилавий кўришга мўлжалланган кўрсатувлар, жумладан, "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи", "Бувижоним ўғитлари" каби кўрсатувларни кўпайтириш зарурлиги таъкидланди. Депутатлар, соҳа мутахассислари томонидан оммавий ахборот воситаларига оид қонунчилик ижроси устидан тизимли жоматчилик назоратини ўрнатиш, бу борада мутасадди давлат идораларининг жоматчилик-

нинг кескин эътирозига сабаб бўлаётган паст савиядаги, энгил-елпи кўрсатувлар, материалларни эълон қилишда уларнинг жоматчиликни янада ошириш лозимлиги қайд этилди.

Давра сўхбатида билдирилган тақлиф ва мулоҳазалар асосида миллий ахборот маконидан миллий манфаатларни илгари суришда оммавий ахборот воситалари масъулиятини ошириш, миллий журналистикани ривожлантириш, кадрларимизни кенг тарғиб этиш асосида халқимизнинг маънавий юксалишига хизмат қилувчи медиа маҳсулотларни кўпайтириш зарурлиги таъкидланди. Тадбир якунида фракция аъзолари ушбу масалада жоматчилик фикрини кенг тарғиб этиш асосида таъсир кўрсатувлар, агар эҳтиёж бўлса, тақлиф ва тавсиялар асосида қонунчилик базаси қайта кўриб чиқилишини билдирди.

— 2007 йил 1 сентябрдан бошлаб мамлакатимиз ҳудудида қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш (тиражи, бир лаҳза ва рақамли лотереялардан ташқари) таъқиқланган, — деди тадбир иштирокчиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Умрзоқов. — Шунингдек, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, жумладан, Интернет тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш, мамлакатимиз ҳудудида пул ютуғига эга бўлган ўйин автоматларини олиб кириш маън этилган. Бу Вазирлар Мақамасининг 2007 йил 16 августдаги "Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгилаб қўйилган.

Илгари СМС хабарлари ёки телефон қўнғироқлари орқали турли ўйинлар ўтказилиб, фуқаролар кўрсатувларга тақлиф тарбиялаш йўлидаги сай-ҳаракатлар биз кутган натижани бермайди.

эришиш мумкин бўлган, аслида таваккалчиликка асосланган телешоулар пайдо бўлди. Бу унчалик оммалашмагани сабабли бефарқ бўлдик. Халқнинг ҳам бу турдаги кўрсатувларга қизиқиши балан эмас эди. Натижада бугун нодавлат телеканалларда қимор ва таваккалчиликка асосланган кўрсатувлар шунчалик кўпайиб кетдики, ҳатто давлат каналида ҳам шундай шоу пайдо бўлди. Россия, Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Қозғистон, Қирғизистонда бундай капитал шоулар қонун билан тартибга солинган. Бизда эса қонуности ҳужжатлари бор, холос. Афсуски, бу ўйинларда иштирок этиш бўйича ишлаб чиқилган нормалар ҳам мавжуд эмас. Унинг иштирокчиси эса 18 ёшга кирган ўспирин ҳам бўлиши мумкин.

Давра сўхбатида таъкидланганидек, телеканалларда намойиш қилинаётган маънавий-иқтисодий зид бўлган энгил-елпи кўрсатувлар, телешоулар ёшларимиз онги ва тафаккурига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ёшлар орасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш ишларини кучайтирганимиз сари, таваккалчиликка асосланган кўрсатувлар ҳам янада кўпроқ аудиторияни эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Энг ёмони, бундай кўрсатувлар ёшларни осон пул топишга ўргатапти. Яъни айрим ёшлар китоб сотиб олиб ўқигандан кўра, икки-уч минг сўмга қандайдир ичимлик сотиб олиб, машинали бўлиши афзал билмоқда. Деярли барча телеканалларнинг асосий дастурига айланган хориж сериаллари ҳам халқимиз маънавиятига, юриш-туришига салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Демак, миллий кадрларимиз, урф-одатларимиз, менталитетимизга мутлақо зид бўлган шоулар, чет эл сериалларини намойиш қилиш қонун йўли билан тартибга солинмас экан, ёшларни ватанпарвар, ҳар томонлама етув, баркамол қилиб тарбиялаш йўлидаги сай-ҳаракатлар биз кутган натижани бермайди.

ЁПИҚ ЭШИКЛАР ОРТИДАГИ ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Сиёсий партия аслида қандай бўлиши керак? Унинг сайловолди платформасига қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим? Бугун сиёсий майдонга қандай ғоялар билан чиқиш талаб қилинади? Электорат ишончи оқланмоқдами?

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши раиси Алишер Қодировнинг мамлакатимизнинг энг илғор оммавий ахборот воситалари журналистлари ҳамда фаол блогерлар билан учрашувида шу каби ўткир саволлар ўртага ташланди. Расмийликдан ҳоли, очик-ошкора учрашув давомида сиёсий партиялар олдига турган муҳим вазифалар, партия қиёфасини яратиш, сайловчилар манфаати, сиёсий партиялар фаолиятидаги бир хилликка барҳам бериш, бир-бирини такрорламастик, аниқ ғоя ва электоратга эга бўлиш, мавҳум, баландрарвоз шior, маъруза ва тадбирларга чек қўйиш каби муҳим масалалар муҳокама қилинди.

— Ота-онани танлаб бўлмаганидек, Ватани танлаб ҳам, алмаштириб ҳам бўлмайди, — дея гап бошлади партия етакчиси. — Ким бўлишимиздан ва қандай соҳада фаолият кўрсатишимиздан қатъий назар барчамизни бир мақсад бирлаштириб туради — халқимиз фаровонлиги учун сидқидилдан хизмат қилиш, ёшларимизни Ватан қадрига етадиган комил инсонлар қилиб, маънавий ва миллий қадриятлар, урф-одатларимиз руҳида тарбиялаш.



Бундай эзгу ниятлар партияимизнинг ҳам бош мақсади. Бахт бирлаша олишда деганларидек, келинлар, бугун бўйинбоғимизни ечиб, шу масалалар бўйича ёпиқ эшиклар ортида очик мулоқот қиляйлик.

Танқидий-таҳлилий руҳда ўтган йиғилишда "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз фаолиятида маънавиятга бўлган эътиборни янада кучайтириш лозимлиги қайд этилди. Хусусан, ўзбек тили, ёшлар ахлоқ-одоби, таълим-тарбияси, диний қадриятларга алоҳида эътибор қаратиш, янги авлодни тарбиялаш бўйича концептуал дастурлар яратиш каби тақлифлар билдирилди. Миллий медиа маконда долзарб бўлган долзарб масалалар юзасидан партиянинг позицияси билдирилди.

вазифасини такрорлаши каби ҳолатлар блогерларнинг эътирозига сабаб бўлди.

Учрашувда журналист ва блогерлар томонидан "Миллий тикланиш" демократик партияси ғоясини амалга ошириш юзасидан фикр-мулоҳаза ва тақлифлар билдирилди. Партия раҳбари блогерларнинг кескин ва кескир саволларига жавоб қайтарди.

Партия ҳузурида ОАВ вакиллари ва блогерлардан иборат маслаҳат кенгаши тузилдиган бўлди. Бу кенгашга исталган журналист ҳеч қандай шартларсиз аъзо бўлиши, дебатлар, фракция муҳокамаларида қатнашиш, ўз фикрларини билдириши мумкин бўлади.

Раваҳан МАҲМУДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Депутат минбари

Кутубхона аздалан инсонларнинг маънавият ўчоғи, билим олиш маскани ҳисобланган. Тарихий манбаларга қараганда, ilk кутубхона миллоддан овалда 2 минг йилликда пайдо бўлган ва ёзувлар сопол битикларга ёзилган. Шарқ саройлари, қадимги Миср ва Рим ибодатхоналарида кутубхоналар ташкил этилгани ҳам маълум.

ЗИЁГА УНДАЁТГАН ҲАРАКАТ

Даврлар ўтгани сари кутубхоналарга бўлган эътибор кучайди. Йилдан йилга замон талабидан келиб чиққан ҳолда кўшимча имконият ва хизматлар яратилиб, такомиллашиб борди ва ҳар бир жамиятнинг энг долзарб вазифаси сифатида белгиланди. Хусусан, мамлакатимизда ҳам кутубхоналарни ташкил этиш, аҳолини, айниқса, ёш авлодни китоб мутолаасига қизиқтириш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурий мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда шу йилнинг бошида "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг жойлардаги ижроси ҳолатини ўрганиш, таҳлилий маълумот, тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқиш, муаммоларни аниқлаб, тегишли идораларга тақдим қилиш мақсадида мамлакатимиздаги ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари фаолиятини ўрганиш эди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 14 Ахборот-кутубхона маркази, худудий олий ўқув юрларининг 55, касб-хунар коллежларининг 850, умумтаълим мактабларининг 576 Ахборот-ресурс марказлари фаолияти ўрганилди, кўплаб муаммолар аниқланди. Жумладан, марказларнинг 64 таси ўз биносига эга эмас, 262 тасига алоҳида бино ажратилиши лозим, 194 тасида ўқув зали йўқ, 157 марказда эса китоб сақлаш талаблари бузилган. Компьютер технологиялари ва ўқув жиҳозлари билан таъминлаш даражаси ҳам қониқарли эмас. 342 марказ Интернет тармоғига уланмаган.

Ахборот-ресурс марказлари аҳолига ахборот-кутубхона фаолиятини амалга ошириб, уларнинг ахборотга бўлган эътиҳжини қондиришга хизмат қилиши қонун билан белгиланган бўлса-да, аксарият марказларга аҳолининг тўқсиз кириш имконияти яратилмаган. Чунки ахборот-ресурс марказлари таълим муассасаларида жойлашган бўлиб, улар хизматидан фақат ўша ерда таълим олаётганларлар фойдаланиши мумкин.

Президентимизнинг 2019 йил 7 июндаги "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори юқорида таъкидлаб ўтилган камчилик ва муаммоларни бартараф этишга қаратилгани билан аҳамият-

лидир. Ушбу қарор билан тасдиқланган "2019—2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш Концепцияси", "2019—2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури"да соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ва ривожлантириш учун аниқ вазифалар белгиланган.

Эътиборлиси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ўрганишлари якуни бўйича илгари сурилган ғоя-тақлифлар ушбу қарорда ўз аксини топган. Жумладан, соҳани ривожлантириш учун норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, хусусан, босма нашрларни мажбурий нусхаларини тегишли ташкилотларга тақдим этилишини тартибга солиш, умумтаълим мактабларида ахборот-ресурс марказлари фаолиятини тугатиш ва кутубхоналар ташкил этиш, барча туман (шаҳар) марказларида босқичма-босқич ахборот-кутубхона марказларини шакллантириш, туман (шаҳар) марказларида ҳокимликлар томонидан ахборот-кутубхона марказларини қуриш учун ер майдони ва бўш биноларни ажратиш каби масалалар қарорда ўз аксини топган.

Ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантиришда замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни бекиёс. Шу сабабли ҳам "2019—2024 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантириш Концепцияси"да фуқаролар фойдаланиши учун йўл электрон каталогдан фойдаланишни таъминлаш, корпоратив ахборот-кутубхона тармоқларини ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилган.

Қарорда эътиборни тортган яна бир жиҳат, 21 май санаси "Кутубхоначилар куни" деб эълон қилиниши белгиланган ва ушбу кунда кутубхоначиларнинг кўп йиллик меҳнати, ахборот-кутубхона соҳасини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси муносиб рағбатлантирилади, давлат мукофотлари билан тақдирланади.

Худудларга чиққанмизда ташаббускор тадбиркорлар томонидан ташкил этилган кутубхоналарнинг янги шакли эътиборимизни тортди. Жумладан, Наманган туманининг Шўркўрғон қишлоғида тадбиркор ва зиёлилар кўмағи билан "Халқ кутубхонаси" ташкил этилган. Кутубхонада 50 миллион сўмлик 2 мингдан зиёд адабиёт мавжуд. Ушбу маскани ташкил қилган

тадбиркорлар кутубхона ёнида салқин ичимлик, муқаймоқ савдоси билан шуғулланувчи шохобча ҳам очган. Қувонарлиси, "Халқ кутубхонаси"да 50 дан зиёд ёшга таълим бераётган

тил ўргатиш маркази фаолият кўрсатмоқда. Яна бир янгилик: Наманган шаҳрида "Наманган китоб олами" ҳайрия жамоат фонди томонидан "Кўчма халқ авто кутубхонаси" ташкил этилган. Ғоя муаллифи Маъруфхон Мўминовнинг билдиршича, у "Исузи" автобусини қайта жиҳозлаш орқали кўчма кутубхона ташкил қилиб, ҳар ойда тўртта секторга бориб, катталар 12 минг сўм, болалар учун 6 минг сўм эвазига йиллик обуна бўлиш орқали фуқаролар йил давомида турли жанрлардаги китобларни ўқиш имкониятига эга бўлади.

Юқоридаги каби ташаббуслар республиканинг барча худудига амалга оширилмоқда. Албатта, бундай ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириш, молиявий кўмак бериш лозим. Шу мақсадда, "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлмоқда. Қонун лойиҳасида туман марказларида ахборот-кутубхона марказларини ташкил этишни (амалдаги қонунда ахборот-кутубхона вилоят марказларидаги 14 универсал кутубхона назарда тутилган), таълим муассасасидаги ахборот-ресурс марказлари фаолиятини тартибга солишни (умумтаълим мактабларида АРМлар фаолиятини тугатиш орқали мактаб кутубхоналарини ташкил этиш), давлат-хусусий шериклик асосида ахборот-кутубхона марказларини ташкил этишини алоҳида хусусиятларини белгилаш, ташаббускор тадбиркорларга имтиёз ва преференциялар бериш назарда тутилди.

Мухтасар қилиб айтганда, китоб маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тарқатиш ва китоб мутолааси учун қулай шaroит яратиш борасида амалга оширилаётган ҳар қандай саъй-ҳаракатлар илм-фанини ривожлантириш, маънавиятни юксалтириш, ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шуҳрат
Тўхтабоев,
ЎзМТДП
фракцияси
аъзоси



Худудий ташкилотларда

Юртимиз худуди дунёнинг энг қадимги маданият ўчоқларидан бири ҳисобланади. Шарқ ва Ғарбни боғловчи Буюк ипак йўлининг ушбу худуддан ўтгани ҳам тасодиф эмас. Дунё тамаддуни марказларидан бири ҳисобланган кўчма юртимизда илм-фан билан бирга, шаҳарсозлик маданияти ва анъаналари ҳам кенг ривожланган. Худудимиздаги тарихий обида, кўчма осори-атиқалар кўпчилиги эътироф этилиб, Ўзбекистонга нисбатан халқаро ҳамжамият томонидан "очиқ осмон остидаги музей" дея таъриф берилгани ҳам шундан.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН:
МОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС
ОБЪЕКТЛАРИ АҲВОЛИ ҚАЙ
ДАРАЖАДА?

Мамлакатимизда муқаддас қадамжолар, моддий-маданий ёдгорликларни асраб-авайлаш, тадқиқ этиш, таъмирлаш борасида ҳуқуқий асос яратилиб, кенг қўлмал амалий ишлар қилинди. Ўзбекистон Конституциясининг XI боб, 49-моддасида "Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлаш мажбуриятлари. Маданий ёдгорликлар давлат муҳофазасидадир" деб белгилаб қўйилди, бу бўйича қарор, давлат дастурлари қабул қилинди. Лекин шундай бўлса-да, шўро давридаги муносабат ва эътиборсизлигимиз туфайли уларнинг айримлари йўқолиб кетиш даражасига келиб қолди, баъзиларини йўқотиб ҳам бўлди.

Халқимизнинг моддий-маданий, илмий-интеллектуал меросини кўз қорачигидек асраш, бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ёшлар қалбига миллий мерос ва халқ анъаналарига ҳуррмат, эҳтиром уйғотиш каби эзгу амаллар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг энг асосий мақсад ва вазифалари ҳисобланади. ЎзМТДП ва унинг худудий ташкилотлари томонидан партия сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда ўтган йилнинг октябрь-ноябрь ойларида мамлакатимиздаги мавжуд барча тарихий ёдгорликлар хатловдан ўтказилди ва унда партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳам фаол иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 декабрдаги "Моддий маданий мерос объектларини муҳофазасидаги ҳисобидан хизматни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, моддий-маданий мерос объектларини муҳофазасида қилиш, тадқиқ этиш, мамлакатимиз туристик салоҳиятини юксалтириш, соҳа фаолиятини халқаро талаблар даражасида такомиллаштириш борасида партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан ҳам кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Партия республика кенгаши Маданият вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси худудий бошқармаси билан ҳамкорлик Меморандуми имзолаган, "Йўл харитаси" ишлаб чиқиш, аниқ вазифалар белгиланган.

Бугун Қорақалпоғистон Республикасида жами 291 та моддий маданий мерос объекти бўлиб, улардан 131 таси археологик, 24 таси меъморий, қолганлари эса монументал ва диққатга сазовор объект сифатида рўйхатга олинган. Улар орасида тарихимизнинг бир неча минг йиллик ўтмишини ўзида акс эттирган Султон Увайс бобо, Норинжон бобо, Қизил қалъа, Фил қалъа, Катта Гулдурсин, Тошқирман тепа, Тупроқ қалъа, Чилпиқ қўрғони, Миздақхон комплекси, Мазлумхон сулуви, Шамун Набий, Ҳаким ота (Сулаймон Боқирғоний) каби тарихий-археологик ва муқаддас зиёратгоҳлар бор.

Ўрганишлар жараёнида уларни асраш, таъмирлаш, ободонлаштириш, муҳофазасидаги ҳудудларни белгилаш, кадастр рўйхатидан ўтказиш борасида етарлича муаммо ва камчиликлар борлиги аниқланди. Бу бўйича тегишли маълумотлар тузилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раёсати йиғилишида кўриб чиқилди ва қарорлар қабул қилиниб, тегишли мутасаддиларга зарур топшириқлар берилди. Энг муҳими, қарорлар ижроси партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан тўла назоратга олинган.

Жумладан, Беруний туманидаги Тошқирман тепа, Хўжайли туманидаги Миздақхон мажмуаси, Гаурқалъа, Нукус туманидаги Ҳайвон қалъа, Кегайли туманидаги Куйик қалъа, Қўнғирот туманидаги Пулжойи каби археологик объектларида Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими ҳамда Австралиянинг Сидней университети олимлари томонидан илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Эллиққалъа туманидаги Тупроқ қалъа, Довут ота, Қизил қалъа, Фил қалъа, Катта Гулдурсин археологик объектларида консервация ишлари олиб борилапти. Қувонарлиси, юқорида

тилга олинган тарихий объект ва муқаддас зиёратгоҳлар туризм маршрутларига киритилган.

Ўрганишлар жараёнида Нукус туманидаги 10 та тарихий объектнинг атиги 3 тасида кадастр ҳужжати борлиги, номлари кўрсатилган белгилар эса умуман ўрнатилмагани аниқланган эди. Бу масалалар тезда партия гуруҳи аъзолари ташаббуси билан сессия муҳокамасига киритилди. Натияжада бугун уларнинг кадастр ҳужжати тўлиқ расмийлаштирилиб, муҳофазаси белгилари ўрнатилди. Умуман, партия саъй-ҳаракати билан республика бўйича 107 та объектнинг кадастр ҳужжати тикланди.

Партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан тегишли идоралар билан ҳамкорликда ички ва ташқи туризмни ривожлантириш, инфратузилмани такомиллаштириш бўйича ҳам муҳим ишлар қилинмоқда ва бу амалий натижаларни бермоқда.

Маълумотларга кўра, Қорақалпоғистонга 2018 йилда жами 16 мингга яқин хорижий ва маҳаллий сайёҳлар келган. 2019 йилнинг 1 чорағида эса икки мингга яқин хорижлик сайёҳга хизмат кўрсатилган бўлиб, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 91,7 фоизга ўсган. Республикамизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонларнинг асосий қисми Хитой (256), Россия (186), Қозоғистон (143), Туркия (130), Корея (88) давлатларидан келган.

Партия Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан Нукус халқаро аэропорти, Нукус шаҳри ҳамда Қўнғирот туманидаги "Ўзтемирйўловчи" ОАЖ Орол бўйи Қорақалпоғистон филиалларида туризм инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ҳақуқий ҳолат ўрганилди. Мансабдор шахсларнинг ҳисоботи эшитилди. Аниқланган камчилик, тақлиф ва мулоҳазалар асосида тегишли идораларга депутатлик сўровлар юборилди.

Амударё тумани, Қипчоқ маҳалласи худудига катта автомагистрал йўл бўйидаги баланд тепалиқда I-IV асрга тегишли "Чилпиқ" археологик объекти жойлашган. Ушбу иншоот аввало илмий томондан тўла ўрганилиши, реставрация-консервация ишлари олиб борилиши лозим. Агар объект туризм йўналишига киритилиб, юқори қисмига чиқиш учун зиналар қурилса, атрофи ободонлаштирилиб, сайёҳлик инфратузилмаси яхшиланса, ушбу худуд ҳам энг йирик қадамжолардан бирига айланиши мумкин. Ҳозир партия худудий кенгаши томонидан унга мутахассислар жалб этилган, тақлиф ва лойиҳалар тайёрланмоқда.

Улкан табиий-географик муҳит, бекиёс тарихий-маданий меросга эга, худудда ички ва ташқи сайёҳликни ривожлантириш учун қанчадан-қанча ишга солинмаган ресурс, фойдаланилмаётган имкониятлар бор. Айниқса, Орол бўйида экотуризмни ривожлантириш ўта муҳим ҳисобланади. Чунки сайёҳлар инсоннинг атроф-муҳитни беаёв ўзлаштиришга бўлган интилиши, жонли табиат қонунлари билан ҳисоб-китоб қилмагани оқибатларини айнан Оролда кўриши мумкин. Бунинг учун ҳам Ўзбекистон, ҳам хорижда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш зарур.

Албатта, биринчи навбатда, келаётган туристлар учун меҳмонхоналар қуриш, дам олиш жойлари, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш талаб этилади. Илмий тадқиқотчиларни жалб қилган ҳолда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ижросини таъминлаш, халқ сайиллари ва халқаро анжуманларни кўпроқ ташкил қилиш жоиз. ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва унинг худудий ташкилотлари бугунги талаб ва тақлифлардан келиб чиқиб, фаолиятини янада кенгайтириши, амалий натижалар устида ишлаши ўйлаймики, бу борадаги ишларнинг янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ҳожабой КАБУЛОВ,
ЎзМТДП Қорақалпоғистон
Республикаси кенгаши етакчи
мутахассиси

Партия фидойилари

"ҲАЁТИМНИ ШУ МУЗЕЙСИЗ
ТАСАВВУР ҚИЛОЛМАЙМАН"

Ҳаёт — инсонга берилган энг улугъ неъмат. Шу улугъ неъматни мазмунли, халққа, жамиятга фойдаси тегадиган тарзда ўтказиш ўзимизга боғлиқ. Кекса педагог, ЎзМТДП фаоли, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, Сурхондарё вилоят Олтинсой туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Ҳабибулло Исмаилов ана шундай фидойи инсонлар сирасига қиради.

У қарийб бутун умрини "Миллий қадриятлар ва ўлкашунослик" музейини ташкил қилиш, уни экспонатлар билан бойитишга сарфлади, десак муболаға бўлмайди. 1990 йилда саховатпеша ҳомийлар кўмағи ва ҳашар йўли билан дастлаб музей учун мўъжаз бино қўрди. Ўтган йиллар давомида 3000дан ортиқ экспонат тўплаб, йўқ жойдан ноёб бир музейга асос солди.

— Албатта, музей учун бино тиклаш ва унга ўз саъй-ҳаракатимиз билан шу ўлка тарихи, хунармандчилиги, табиатига оид экспонатлар тўплаш ўз-ўзидан бўлгани йўқ, — дейди Ҳабибулло

Исмаилов. — Кунни тунга улаш, қишлоқларни пиёда кетиш, югуриб-елишга тўғри келди. Қанчадан-қанча ташкилот ва идораларнинг эшигини қоқишга тўғри келганда ҳам ҳеч қачон ноумид бўлмадик. Менга, айниқса, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олтинсой туман кенгаши яқиндан ёрдам берди, қўллаб-қувватлади. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини берди. Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ўтган йили музейни кенгайтириш ва қайта таъмирлаш учун 256 миллион сўм маблағ ажратди. Музейни айни пайтда замонавий талаб даража-



сига келтирдик, янги экспонатлар, ноёб топилмалар билан бойитдик. Музей эндиликда ўзининг қадимий осори-атиқа ва топилмалари билан халқаро кўргазмаларда ҳам фаол қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритаяпти. Хусусан, яқинда Термизда бўлиб ўтган 1-Халқаро баҳшичилик фестивалида намойиш этилган экспонатлар чет эллик сайёҳлар эътиборини тортди ва улар томонидан юқори баҳоланди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг музейлар фаолиятини тубдан такомиллаштириш, ички ва ташқи туризмни ривожлантириш бўйича қабул қилган фармойиш, қарор ва давлат дастурлари ижросини таъминлаш бугунги куннинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади, — дейди ЎзМТДП Олтинсой туман кенгаши раиси Тўрамурод Раҳимов. — Бу бизнинг партиямиз мақсад ва вазифалари билан ҳамоҳанг ва уйғун. Ҳаби-

булло Исмаилов партиямиз ноёб фаол аъзоси. Партия ғоя ва мақсадларини амалга ошириш жараёнида мунтазам иштирок этади. Шу боис, у ташкил этган музей фаолиятини кенгайтириш, унга маҳаллий ва чет эл сайёҳларини янада кўпроқ жалб этишда кўмақдошмиш.

"Ҳаётимни музейсиз тасаввур қила олмайман", — дейди Ҳабибулло Исмаилов. У бу учун бирор жойдан маош олмайди. Ўзи ва тумандаги аксарият мактаблар ўқитувчилари шу музейда тарих фанидан очиқ дарс ўтишади. Айни пайтда қўшни туман мактабларидан ҳам ўқитувчи ва ўқувчилар кела бошлади. Ушбу музей ҳадемай вилоят миқёсида оммалашши шубҳасиз.

Бунёд ЖўРАЕВ,
ЎзМТДП Олтинсой
туман кенгаши етакчи
мутахассиси

**ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ
ПАЛАТАСИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ
ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**



*Барча қалам аҳли ва фахрийларни
27 ИЮНЬ – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ
АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ
билан қизгин табриклайди.*

**Халқимизга тез ва ҳаққоний
маълумотлар етказишингизда
муваффақиятлар тилаймиз!**



Хизматлар лицензияланган.

“ХОНОБОД СИҲАТГОҲИ” МЧЖ ЖАМОАСИ

Ўзбекистонлик барча қалам аҳли —
журналистлар, матбаачилар ва соҳа фахрийларини
Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари
куни билан қизгин табриклайди.

Юрт равнақи, эл фаровонлиги, Ватан ободлиги
йўлидаги фидокорона ишларингизда
муваффақият тилаймиз!



Хизматлар лицензияланган.

Бугуннинг гапи

БОЛАЛАРГА АТАЛГАН КИТОБЛАР:

улар хатодан холи(ми?)

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Бир-бирдан чиروي дизайн ва муқовали бу китобларнинг ўзи бир дунё-ю ичи "бир дунё". Энди ўқийдиган болаларимизга ана шундай фикр-фикр хатоларга тўла китобларни беришимиз уларнинг саводхонлигига қандай таъсир кўрсатишини бир тасаввур қилиб кўрайлик? Сўз, жумла, гап қурилиши ёки тиниш белгилари қўлланилишида йўл қўйилган жуда хунук хато ва ғализликлар навқирон авлод вакиллари саводхонлик нигоҳини хиралаштириб қўймайдими? Адабий тил қоидаларига оид билимларини ўтмаслаштирмайдими, уларни чалқаштириб юбормайдими? Ваҳоланки, айниқса, болалар "китобда (шунингдек, телевизор, ташқи ёзув, реклама ва баннерларда) шундай ёзилган экан, демек, бу тўғри", дея қабул қилади. Шундай экан, келажак эгаларимизнинг саводхонлиги билан боғлиқ бу масалага жиддий ёндашиш лозим.

Албатта, болалар адабиётларининг барчаси ҳам кўнгилни хира қиладиган даражада эмас. Сара китоб ва тўпламлар, ҳам кўриниши, ҳам мазмуни жиҳатдан бой адабиётлар кўп. Болалар энциклопедиялари, ўзбек халқ эртаклари тўпламлари, таниқли болалар ёзувчи ва шоирларимизнинг бадиий жиҳатдан сермазмун асарлари фарзандларимиз камоли ва бадиий олами, тафаккури шаклланишида катта кўмакчи бўлаётир. Аммо гуруч курмаксиз бўлмаганидек, бугун айрим хусусий нашриёт ва босмаҳоналарда чоп этилаётган болалар адабиётларини мазмун жиҳатидан ҳам, адабий тил қоида ва меъёрларига амал қилиш нуқтаи назаридан ҳам мактаб олмаимиз. Минг афсуски, бу босмаҳона ва нашриётларнинг айримлари фаолиятида келажак авлод камолотига ҳисса қўшишдан ҳам кўра, моддий манфаатдорлик устулик қилаётгани уларнинг чиқарган махсулотларидан англаш қийин эмас. Бу ўринда эртаимиз, фарзандларимиз олдидаги масъулият ҳисси ҳам моддий олдида иккинчи ўринга тушиб қолаётгандек...

Мисолларга ўтсак. "Адабиёт учқунлари" нашриётида 2018 йилда нашр қилинган "Донишманд йигит" деб номланган тўпламдаги деярли ҳар бир эртакда фикр-фикр хато мавжуд. Масалан: "Тегирмончи" номли биргина эртакда 15 хато бор — sizarğa (сизларга), holos (холос), manashu (мана шу), ikkalaring (иккаларинг), kishlarning (кишиларинг), bi-birlarini (бир-бирларини), hafa (хафа), xayot (хаёт), kiyingizni (кийингизни) каби сўзлар хато билан ёзилган. Бундан ташқари, бўғин



кўчиришда ҳам бир талай хатолар мавжуд бўлиб, бу болаларни чалғитиши табиий.

Яна шу нашриётда 2017 йилда чоп этилган "Ақлли бола" деб номланган ўзбек халқ эртаклари тўпламидаги хато ва ғализликлар, камчиликларнинг ҳисоби йўқ. Деярли ҳар бир эртакда 3-4 тадан 10-12 тагача хато мавжуд. Масалан, "Қарга билан кўзи" эртакда лотин ёзувидаги "ye" (е) ҳарфи бир эмас, етти ўринда "e" (э) сифатида қўлланилган: euman (ейман), esin (есин), eumanu (ейману) ва ҳоказо. "Олтин тарвуз" эртакда ҳам лотин ёзувидаги "e" ва "ye"нинг фарқи бормаслик оқибатида деярли барча ўринда "yer" (ер) сўзи ўрнига "er" (эр) дея қўлланилиб кетилаверган. Аслида хатолар эртакнинг сарлавҳасиданоқ бошланган — tarvuz эмас "tarviz" дея нотўғри ёзилган. Бундан ташқари, китобнинг сон-саноксиз ўринларида техник хатоларга ҳам йўл қўйилганки, у қандай сўз эканлиги болалар тугул катталарни ҳам ўйлантдириб қўйиши аниқ. Буёғи гапнинг мазмуни, мантиғига қараб ўйла, изла топ! Масалан, yig'lab (йиғлаб), bo'g'ach (бўлгач), boimasa oidiraman (бўлмаса ўлдираман), shundav (шундай), oidiga (олдига), quzqinning (қузғуннинг), o'lik (ўлик), baryu (берай), bilai (билан), oy-oq qo'ini bog'labdi (оёқ-қўлини боғлабди)... Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Китоб чиқариш учун одатда бир неча масъул белгиланади, мусаҳҳихдан токи муҳарриргача китобнинг сифати, мазмуни учун жавобгар бўлади. Масъулият, жавобгарлик, эътибор сусайган жойда эса юқоридagi каби ҳолатлар

юзага келиши табиий. Оқибатда барча меҳнат чиппака чиқиши, раҳмат ўрнига ланъат айтилиши турган гап.

Ёши улуг устозларимиз, катта авлод вакиллари баъзида бугунги ёшларнинг зийраклиги, уздабурон, замонавий ахборот технологияларини мукамал билиши, билим ва тафаккури кенлиги билан бирга айрим йигит-қизларнинг дунёқараши тор эканлиги, ҳатто саводхонлиги пастлигидан нолиб гапириб қолишади. Масалан, яқинда бир таниш акамиз "ишхонамизга бир гуруҳ янги амалиётчи ёшлар келди. Орасида бўладиганлари бор, аммо бир-иккитаси ҳатто исм-фамилиясини ҳам тўғри ёзолмайди, саводи йўқ...", дея ёздириб қолди. Рост, бундай ҳолатлар ҳам борлигидан кўз юма олмаймиз. Тўғри, аввало, боланинг ўзида бўлиши керак. Аммо юқоридagi каби чаласаводлик билан чиқарилиб, фарзандларимизга тақдим этилаётган болалар адабиётлари ҳам уларнинг саводхонлик даражасига салбий таъсир кўрсатмаслигига ким кафолат беради? Ёшлиқда олган билим тошга ўйилган нақш сингаридир. Демак, жимжимадор, эртакка мос суратларга тўла китобда кўрганлари, ўқиганлари мурғак боланинг кўз ўнгига муҳрланиб қолиб кетиши эҳтимоли юқори.

Бугунги болалар жуда зийрак, шу билан бирга, улар онгиди кўрган нарсаси асл ҳолатидан сақлашиб қолади, — дейди Олмазор туманидаги 133-умумтаълим мактаби бошланғич синф ўқитувчиси Моҳира Солихова. — Баъзан бошланғич синфлар учун мўлжалланган дарсликларимизда ҳам айрим хатоларга, гап қури-

лишидаги ғализликларга, тиниш белгиларининг ноўрин қўлланилишига дуч келамиз. Энг кўп учрайдиган ҳолатлардан яна бири бўғин кўчиришдаги хатолардир. Зийрак, фаол ўзлаштирувчи ўқувчиларимиз бу хато эканлигини англаб, ўзлари тўғри қилиб ёзади, аммо айримлари "китобда шунақа-ку, устоз" дея ҳатто эътироз билдириши мумкин. Чунки болалар китобда кўргани, ўқиганини энг тўғри деб билишади. Шундай экан, айниқса, бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган дарслик ва адабиётларни тайёрлаш ва чоп этишда жуда эҳтиёткор бўлиш, бўғин кўчиришларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Бу йил қизим 2-синфини тугатди, — дейди Сергели туманида яшовчи уй бекаси Дилдора Эшова. — Сал аввалроқ хўжайиним қизимиз учун эртак китоб ва шеърини тўплам олиб келди. Қизим иштиёқ билан эртак ўқишга тушиб кетди. Аммо 3-4 бет ўқиб бўлгач, ҳафсаласи пир бўлиб, "дадажон, нега бунақа китоб олиб келдингиз, роса-а хатолари кўп экан... Буни қаранг, буни-сини қаранг, шу тўғрими, бунақа ёзилмайди-ку!", дея аччиқланди. Шу-шу ўша китобни қўлига ҳам олгиси келмай қолди...

Уч фарзандим кетма-кет улғайишппти, мактабга боради, шу боис доим болалар адабиётларига мурожаат қиламан, — дейди навоийлик Маҳбуба Бозорова. — Болалар учун мўлжалланган китоблар билан тўла раста ёхуд дўконларга кирганингизда китоб ва тўпламларнинг хилма-хиллиги, чиروي муқова-ю дизайнидан кўзингиз қувнаб кетади. Аммо ҳаммасининг ҳам ичидаги мазмуни, сифати ташқи кўринишидаги кўнгилни равшан қиладиган эмас. Айрим таржима эртак ва ҳикояларнинг таржимаси ғализ ёхуд бизнинг менталитетимизга мос келмайди. Баъзи эртакларда эса нима дейилмоқчи эканлигини ҳатто катталар ҳам англолмайди. Ёшлигимизда ўқиган эртак, ҳикоя ва қиссаларимиздан болаларни эзгуликка чорлайдиган, ёвузлик, манманлик каби салбий хислатлардан юз ўгирадиган аниқ яқун бўлар, "қиссадан ҳисса шуки...", дея хулоса чиқарар эдик. Бугунги айрим замонавий эртакларда эса ана ўша "қиссадан ҳисса"ни топиш мушкул.

Маълумки, бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги "Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойишига мувофиқ китобхонликни оммалашти-

риш, айниқса, ёшларнинг китобга қизиқишини оширишга бағишлаб турли тадбирлар, акциялар ташкил этилмоқда. "Энг фаол китобхон", "Энг яхши китобхон оила" каби кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Ўзбек ҳамда жаҳон адабиётининг мумтоз ва замонавий бадиий асарларини тарғиб қилишга, сара асарларни чоп этиш ва тарқатишга алоҳида эътибор берилаётир. Бундан ташқари, 2018 йил 4 майда Вазирлар Маҳкамасининг "Болалар ва ўсмирлар адабиётини нашр этиш тизимини янада такомиллаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган бўлиб, унда бир қатор муҳим вазифалар белгиланган. Болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган китобларни нашр қилишга ихтисослаштирилган нашриётларни аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш, уларни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш, болалар ва ўсмирлар дунёқарашини кенгайтириш, уларни эртанги куннинг чинакам қаҳрамонлари сифатида тарбиялашга қаратилган асарлар яратилишини рағбатлантириб бориш шулар жумласидандир. Болалар ва ўсмирлар адабиётини нашр этиш тизимини такомиллаштириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, болалар ва ўсмирларнинг маънавий, жисмоний, ахлоқий жиҳатдан камол топиши, адабиётга қизиқишини, китобга ҳурматини ошириш, китобхонлик, мутолаа маданиятини юксалтириш борасида олиб борилаётган ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида қабул қилинган мазкур қарор ижросини таъминлаш, мунтазам назорат қилиш ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигида муҳим аҳамиятга эга.

Бу каби кенг қўламли ишлар сифатини янада яхшилаш ҳар биримизнинг вазифамиз. Шунингдек, бу қизғин жараёндан ўз манфаати йўлида фойдаланиш илинжида бўлиб, қўл учиди китоб чиқаришга уринаётганларни ҳам назоратдан четда қолдирмаслик лозим. Айниқса, фарзандларимиз, ёш авлод вакиллари учун аталган китоб ва тўпламларни ҳам мазмун, ҳам сифат жиҳатдан мукамал тарзда тайёрлаш, чоп этиш ўта долзарб масала. Бу борада масъуллар, нашриёт ва босмаҳоналар мутасаддилари ўзларига зарур хулосани чиқарар деган умиддамиз. Гуруч курмаксиз бўлмайди, аммо курмак кўпайса, пиширган ошимиз ўзимизга ҳам татимай қолади... Шундай экан, келажак эгалари билан боғлиқ катта-кичик ҳар бир ҳолат мунтазам эътибор ва назоратда бўлмоғи шарт.

Муҳтарам КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

РЕКЛАМА

АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАГИ "ASIA ELEGANT STAR" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимизда фаолият юритаётган барча қаламқашларни, журналисту матбаачиларни 27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ билан самимий табриклайди.

Эл-юрт манфаати йўлида олиб бораётган ижодий фаолиятингизга муваффақият тилаймиз!

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОН!

"FARG'ONA MULK SERVIS"

масъулияти чекланган жамиятда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига "АСАКА" АТБ Фарғона вилояти филиалига қарашли Нексия русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 40 959 WAA. Бошланғич баҳоси — 30 780 000 сўм.

Аукцион савдолари 2019 йилнинг 26 июль куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосига иштирокчилардан талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача қабул қилинади.

Талабномалар қабул қилишнинг охири муддати: 2019 йил 24 июль соат 16:00. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 (ўн) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар диққатига! Юқориди кўрсатилган автотранспорт воситаси 2019 йилнинг 26 июль кунги савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2019 йилнинг 2, 16 август кунлари такроран бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий аукцион савдосига аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пулини келишув шартномасига асосан "FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖнинг ХАБ "Трастбанк" Фарғона филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим:

Х/Р: 2260 4000 6003 9634 2001. МФО: 01123. СТИР: 303 054 753.

Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темура кўчаси, 45-уй.

Тел: +99895-402-54-75 Гувоҳнома № 1894.

Хизматлар лицензияланган.

НАМАНГАН ШАҲРИДАГИ "ДОСТОР А" МЧЖ ЖАМОАСИ

Мамлакатимизда фаолият юритаётган қаламкашлар, журналисту матбаачиларни **МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ** билан қутлайди.

Эл-юрт манфаати йўлида олиб бораётган ижодий фаолиятингизга мусавфақиятлар тилаймиз!



Хизматлар лицензияланган.

"СИМУОН" ПАНСИОНАТИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиздаги барча оммавий ахборот воситалари ходимлари ва матбаачиларни

— **МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ** билан табриклайди.

27 июнь



Хизматлар лицензияланган.

"Чуст Аҳмад мебель" хусусий корхонаси жамоаси

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ходимларини, матбаачилар ва соҳа фахрийларини касб байрами билан қизғин муборакбод этади.



БАЙРАМ МУБОРАК!

Хизматлар лицензияланган.


“АНДИЖОН ГИДРОЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСИ 2” УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*Барча журналист, матбаачи ва нашриёт
ходимларини касб байрами
билан самимий муборакбод этади.*

*Машаққатли ва масъулиятли фаолиятингизда
куч-қувват, янги ижодий ютуқлар,
оилавий фаровонлик, қут-барака тилаймиз.*



**БАЙРАМИНГИЗ
МУБОРАК, БЎЛСИН!**



Хизматлар лицензияланган.

ХАЛҚ BANKI

Акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси
27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари куни билан соҳа
фидойиларини самимий
муборакбод этади.

*Юртдошларимизни холис ва ҳаққоний ахборот билан
таъминлашдек масъулиятли, заҳматли ишларингизда
Сизларни куч-гайрат ҳеч қачон тарк этмасин!*

Шунингдек, Халқ банки юртдошларимизга
Ўзбекистонда биринчи бўлиб жорий этилган
Кредит карта хизматини
таклиф этади.

КРЕДИТ КАРТА

Имтиёзли давр 30 кун (ҳар ойда)
Йиллик фойз ставкаси 36%
Имтиёзли даврда фойз ставкаси 0%
Кредит линияси 5 йил муддатга очик линия
Кредит миқдори 5 000 000 сўмгача

(+998 78) 120-17-70
(+998 78) 120-17-72

web site: www.xb.uz
e-mail: info@xb.uz



www.xb.uz info@xb.uz (0371) 200-00-55

Хизматлар лицензияланган.

ЧУСТ ТУМАНИДАГИ “АРЕХ MEDICAL SERVICE” МЧЖ ЖАМОАСИ

*Сиз, азиз журналистларни ҳамда нашриёт
ва матбаа соҳаси фидойиларини*

**27 июнь — Матбуот ва оммавий
ахборот воситалари
ходимлари куни
билан муборакбод этади.**

Хизматлар лицензияланган.



YATAN TUYU' UBI HAR NARSADAN USHUR
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Алишер КОДИРОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ,
Амирiddин БЕРДИМУРОДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУХАММАДЖОНОВА,
Алмал САИДОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЕВОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47,
Маънавият, туризм, халқаро ҳаёт ва ахборот бўлими: 234-87-73, Реклама ва маркетинг
бўлими: 234-86-41, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73,
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
№ 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буортма — Г 626, Адади — 2711. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.
Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб,
улар муаллифларига қайтарилмайди.
Навбатчи муҳаррир: Равшан МАХМУДОВ. Навбатчи: Нигора НИШОНБОВА
Саҳифаловчи: Жалолиддин УРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30. Топширилди — 23.30.



ISSN 2030-7734
1 2 3 4 5